

### ХҲҶАНДА НАВОИЙШУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

**Бахтиёр Файзуллоев,**

Академик Бобожон Гафуров  
номидаги Хўжанд ДУ доценти,  
филология фанлари номзоди  
(Тоҷикистон)

**Аннотация.** Мақолада Амир Алишер Навоий меросининг замондошлари томонидан ўрганилиши ҳамда ўтган - ХХ асрда Тоҷикистонда Навоий ижодига доир амалга оширилган тадқиқот ишлари ҳақида қисқача маълумотлар берилди. Шу билан бирга, Хўжанд илмий муҳитида Навоий ижоди билан бевосита шугулланган Ҳомиджон Мамадов ҳамда Абдусалом Абдуқодировларнинг кузатиш-лариға ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** ўрганиш, анъана, таъсир, ўзига хослик, татаббу, талқин, ижодий таъсир, бадиий талқин, маҳорат, устоз, таҳлил, бадиий санъат.

**Аннотация.** В статье даны краткие сведения об изучении наследия Амира Алишера Навои его современниками и исследовательских работах, посвященных деятельности Навои в Таджикистане в ХХ веке. При этом особое внимание было уделено наблюдениям Хамиджона Мамадова и Абдусалама Абдукадирова, которые принимали непосредственное участие в работе Навои в научной среде Худжанда.

**Ключевые слова и выражения:** обучение, традиция, влияние, своеобразие, татаббу, сравнение, творческое влияние, художественная интерпретация, мастер-ство, учитель, анализ, художественные средство.

**Annotation.** The article provides brief information about the study of Amir Alisher Navoi's heritage by his contemporaries and the research works on Navoi's work in Tajikistan in the 20th century. At the same time, special attention was paid to the observations of Hamidjon Mamadov and Abdusalam Abdugadirov, who were directly involved in Navoi's work in Khujand's scientific environment.

**Key words and phrases:** learning, tradition follower . influence originality skill, tatabbu, interpretation, creative influence, artistic interpretation, teacher, analysis, art.

Амир Алишер Навоий ижодини ўрганиш шоирнинг тирклик вақтидаёқ бошланган эди. Бу анъанани унинг замондошлари - тожик мумтоз олимлари ва шоирлари бошлаб берган эдилар. Бу фаолиятни илк бошловчиси Мавлоно Абдурахмон Жомий (1441 – 1492) бўлиб, у ўз асарларида биринчи марта шогирди Навоийнинг кўплаб исоний фазилатлари билан бирга шеърият дунёсига ҳам муносиб баҳо берганлигига гувоҳ бўламиз. Буни “Баҳористон” асарида берилган куйидаги эътирофидан ҳам кузатиш мумкин: «...таъбининг баландлиги туфайли ва истеъдодининг кенглиги жиҳатидан у (Навоий – Ф.Б.) шеъриятнинг ҳар икки соҳасида – туркийда ҳам, форсийда ҳам ажойиб мўъжизала ярата олди...»<sup>1</sup>.

1. Ж о м и й А. Баҳористон. (форс тилидан Ш. Шомухаммедов таржимаси) – Тошент: «Ёзувчи», 1997, 88-89 б.

Ҳирот адабий муҳитининг фаол вакилларида яна бири тожик шоири ва тазкиранависи Давлатшоҳ Самарқандий (1438- 1494 ) “Тазкират уш – шуаро” (“*Шоирлар тазкираси*”) асарида ҳам Алишер Навоий ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Шунингдек, ўша даврнинг пешқадам муаррихларидан Мирхонд (1433 – 1498) ҳамда Хондамир (1475–1553) ларнинг Навоий ҳақидаги маълумотлари бизгача етиб келган бўлиб, улар ҳар бир давр ўқувчиси учун муҳим манба сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бу анъанани Навоийнинг кичик замондошлари ҳамда шогирдлари Абдуллоҳ Ҳотифий (1453- 1520), Камолиддин Биноий (1453- 1512), Зайниддин Восифий (1483 -1556) лар давом эттирганлар. Улар ҳам Навоий шахсияти ҳамда ижодига доир диққатга арзигулик маълумотларни ўз асарларида ёзиб қолдиришган.

Зайниддин Восифийнинг насрий йўлида битилган “Бадоеъ ул вақоеъ” асарида Навоийнинг фаолияти янада кенгроқ режада ёритилганлиги билан ажралиб туради. Унда ўз хулқ атори билан ёмонликни одатга айлантирган Навоийнинг замондошлари Мажиддин ва Амир Жаҳонгирларнинг Алишер Навоийга доимий равишда ўтказган зуғуми ҳамда ёмонликларига нисбатан мутафаккир шоир фақат яхшилик билан жавоб қайтара олгани аниқ мисоллар асосида ёзилган бўлиб, бугунги кунга қадар етиб келган.

Шунингдек, Навоий умрининг охириги йилларида ёзган “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг муқаддимасида чуқур хўрсиниш ҳамда изтироб билан шундай ёзган эди: ”Мен кўлим калталиқ пайти кўп хорлик ва нотовон-ликларни кўрдим. Ҳаётнинг турли синовларига дуч келдим, гоҳ пасткаш лаинлар мени хўрладилар, гоҳ разиллар камситдилар. Ҳар кўчаю куйга кирдим, турли эл ва тоифаларга кўшилдим, яхшиларнинг яхшиликларидан баҳраманд бўлдим, ёмонларнинг фитналаридан қалбим жароҳатланди, пасткашларнинг қилиқларидан кўнглим яраланди. Тақдир кулиб боққанда амир ва ҳоким ҳам бўлдим. Унда адолат билан иш кўрдим, таъзим ва саховатни қанда қилмадим, кўлимдан келганча яхшилик қилдим...”<sup>2</sup>

Навоийга ҳурмати баланд бўлган тожик шоири ва тазкиранависи Ҳасанхожа Нисорий (1516-1597) ўзининг “Музақкири аҳбоб” (“*Дўстлар ёдномаси*”) асарида ҳамда тарихчи Муҳаммад Ҳайдар мирзо (1499-1551) нинг “Таърихи Рашидий” китобида ҳам Навоий ҳақида қимматли фикрлар берилганки, бу маълумотлар мутафаккир шоир шахси ва ижодига юксак эҳтиромнинг ифодаси дея изоҳлаш ўринлидир.

2. Н а в о и й А. Маҳбуб ул – қулуб. Ҳозирги ўзбек тилига таъдид, (Изоҳ ва шарҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайдуллоев) -Тошкент: “Sano-standart”, 2018. 3-4 бетлар.

Шўро даврида ҳам Тожикистон Республикасида Навоий меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилганини кузатиш мумкин. Хусусан, XX асрнинг 20 чи йилларидан бошлаб бу борада дастлабки қадамлар қўйилган эди. Бу ишни биринчи бўлиб, буюк адиб ва таниқли аллома Тожикистон Қаҳрамони устоз Садриддин Айний бошлаб берган эди. Шу жиҳатдан домла Айнийни Тожикистондаги навоийшуносликка илк тамал тошини қўйган, унинг асосчиси дейиш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Садриддин Айнийнинг 1926 йилда нашр қилинган “Намунаҳои адабиёти тоҷик” (“*Тоҷик адабиёти намуналари*”) номли фундаментал асарида бошқа туркигўй шоирлар қаторида Навоий ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотлар берилганлиги диққатга сазавор. Устод Айнийнинг 1948 йилда нашр қилинган “Алишер Навоий” монографиясида эса биринчилардан бўлиб, Навоийнинг ижодига ҳолисона илмий баҳо берилганлиги навоийшуносликдаги жуда катта воқеалардан бири бўлган.

50-60 - йилларда бу анъанани таниқли тожиқолимлари академик А.Мирзоев, профессорлар А.Маниёзов, Р.Ҳодизода, А.Афсаҳзодлар давом эттириб, улар ўзларининг кузатишларида тожикистондаги навоийшунослик тараққиётига сезиларли даражада ҳисса қўшганликларини ҳам эътироф этиш лозим. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган асримизнинг 60-70 йилларгача Тожикистонда навоийшунослик билан асосантожик олимлари шуғулланган бўлса, 60- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хўжанд илмий муҳитида ўзбек навоийшунослари авлодининг илм майданига кириб келишлари ўз даври илмий муҳитидаги муҳим воқеалардан ҳисобланади. Бу анъана профессор Эргашали Шодиев номи билан бевосита боғлиқ. Устознинг 1965 йилда “Алишер Навоийнинг форс – тожик адабиётига муносабати масаласига доир” мавзусидаги номзодлик ишининг ҳимояси билан Тожик-истонда ўзбек навоийшунослигига илк тамал тоши қўйилганлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

Ўтган асрнинг 60- йилларнинг охири ва 70 - йилларнинг бошларида эса Хўжандда ўзбек тилшунослиги бўйича ҳам тадқиқотчилар етишиб, улар Алишер Навоий асрларини тилшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этишга киришадилар. Ва ниҳоят, 1969 йилда Ҳомиджон Мамадов, 1973 йилда эса Аҳмаджон Каримов Навоий асарларининг тил хусусиятларини ( Навоийнинг икки асари: “Маҳбуб ул қулуб” ва “Фарҳод ва Ширин” асарлари мисолида ) ўрганишга доир номзодлик рисолаларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А.С.Пушкин номидиги Тил ва адабиёт институтидаги илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилишди ва филология фанлари номзоди деган шарафли номга сазавор бўлишди. Ушбу кузатишимизда хўжандлик олимлар Ҳомиджон Мамадов ҳамда Абдусалом Абдуқодировларнинг Алишер

Навоий ижоди тадқиқига доир амалга оширган ишларига қисқача эътибор қаратишни мақсад қилдик. Ваҳоланки, Хўжанд илмий муҳитида навоийшуносликка доир шу кунгача қилинган илмий тадқиқотларнинг ҳар бири хусусида алоҳида - алоҳида мақолалар учун мавзу бўла олади.

Устоз Ҳомиджон Мамадовнинг илмдаги муваффақияти Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганишга қаратилгани билан эътиборли. Таъкидлаш лозимки, собиқ шўролар замонида ҳам Навоий ҳаёти ва ижодига доир амалга оширилган қатор ишларини эътироф этиш даркор. Аммо айрим тадқиқотларда мутафаккир шоир шахсияти ва ижоди синфийлик ҳамда партиявийлик мезонлари асосида талқин этилганлигини ҳам унитмасликлозим.

Ҳатто айрим тадқиқотларда Навоий ижодини дин ва тасаввуф таълимотидан ажратиб олиб, шоир ижодидан зўр бериб атеистик ғояларни қидиришга ёки унинг дostonлари матни билан тўлиқ танишмасдан туриб мутафаккир шоир дostonларини форс- тожик адабиётидан қилинган таржималар сифатида кўрсатишга уринишлар бўлиб турган пайтда Ҳомиджон Мамадов академик Алибек Рустамов раҳбарлигида “Маҳбуб ул-қулуб” (“*Кўнгишларнинг севгани*”) асарини лексик - стилистик хусусиятларини тадқиқ этишга киришади. Бўлғуси олим ўзининг “Навоий бадий прозасининг лексик ва стилистик хусусиятлари” (1969) мавзусидаги номзодлик рисоласини муваффақиятли ҳимоя қилади. Мазкур тадқиқот ўз давридаёқ навоий-шунослик тараққиётига қўшилган муҳим ишлар қаторида мутахассислар томонидан эътироф этилади.

Ҳ.Мамадов номзодлик ишининг муқаддимасида ўша йилларда “Маҳбуб ул-қулуб”ни бадий асар эканлигига шубҳа билан қараган айрим олимларнинг қарашларига кескин муносабат билдириб, ўзининг илмий асосга эга бўлган муҳим хулосаларини билдирадики, бу ўша давр илмий ҳаётидаги айниқса, энди шакилланиб келаётган янги давр навоийшунослиги учун муҳим янгилик эди. “Бизнингча... асар алоҳида сюжет линиясига эга бўлмаса ҳам унинг фалсафий, маърифий, дидактик аҳамиятига эга бўлган қарашларини, санъаткорона гўзал тил билан бадий ифода этувчи тўлақонлибадий асар сифатида қабул қилиш мумкин”, -дея тадқиқотчи масалага ўз муносабатини билдирган эди.

Шунингдек, олим яна фикрларини давом эттириб, Навоийнинг мазкур асарни Саъдийнинг “Тулстон” ҳамда Жомийнинг “Баҳористон” асарларига мазмун жиҳатдан яқин туришини, кўп жиҳатда салафлари анъаналарининг давоми эканлигини биринчилар қаторида таъкидлаши унинг ўрганилаётган масалага қанчалар жиддий муносабатда эканлигидан далолоат беради.

Навоийнинг бу насрий пандномасида кўплаб масалалар қаторида илм ва санъат аҳлига ҳам махсус эътибор қаратилиб, улар орасида шоирлар,

ўқитувчилар, котиблар ва олимлар каби бир қатор ижтимоий табақа вакиллари билан ҳар бирига махсус боблар ажратган. Шунингдек, Навоий буюк устозлари Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хусрав Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз ва Абдурахмон Жомийлар номларини ҳам бирма - бир эҳтиром билан тилга олиб ўтадики, асардаги бу тасвирларнинг ҳар бири бошдан охир бадиий санъатлар билан зийнатланган мисралар бўлиб, асар бадииятига ўзига хос эстетик жозиба бахш этганлиги устоз Ҳ.Мамадовнинг кузатишларидануктадонлик билан кўрсатиб берган эдики, бундай илмий хулосалар Навоийнинг прозадаги бадиий маҳорат сирларини англашда муҳим илмий манбалардан бири сифатида бугунги кунга қадар ҳам ўз илмий қимматини йўқотган эмас, албатта.

Ҳ.Мамадов “Маҳбуб ул- қулуб”да Навоий ҳаёти ва тажрибаси жам бўлган барча олижаноб фазилатлари мужассам бўлган нодир прозаик асар эканлигини кўрсатиб бериш баробарида, унда бадиийликни юзага келтирган бир қатор тасвирий воситалар асар матни асосида илмий жиҳатдан асослаб берилганки, бу мазкур тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан яна бири дейишга имкон беради.

Олим мавзуни ёритишда XI асрнинг таниқли тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарига ҳам мурожаат қилиб, ундаги муҳим хулосаларга таяниб, “Маҳбуб ул қулуб” ни таҳлил қилишда устоз тилшунос олимнинг йўлидан борганки, бу усули ҳар жиҳатдан ўзини оқлай олган. Устоз Ҳ.Мамадовнинг навоийшуносликдаги муҳим хизматларидан яна бири номзодлик диссертациясининг иккинчи бобида Навоий маҳорат билан қўллаш олган *илтизом, тажнис, такрор, тазод, таносиб, тарсеъ, тавзе, сажъ, радиф, ҳожиб, вазндош сўзлар, товушдош сўзлар, зулқофия ва қўшқофия* каби бадиий тасвирий воситалар “Маҳбуб ул- қулуб”нинг матни асосида таҳлил этилиши тадқиқотдаги асосий нуқталардан бири ҳисобланади. Матндаги бадиий санъатларни аниқлаб, уларни лингвистик асосда таҳлил этишдан аввал ўша санъатларга доир қисқача назарий маълумотларнинг тақдим этилиши ҳам тадқиқотчининг эътиборидан четда қолмаганлигини ишдаги фазилатлардан биридир. Шунингдек, Шарқ мумтоз поэтикасига доир нодир манбаларга ҳам ўрни – ўрнида мурожаат қилинганлиги ишнинг илмий-назарий салмоғини таъминлашга хизмат қилган.

Ҳ. Мамадов ҳар бир кузатишларининг якунида ўз қарашларини аниқ илмий хулосалар билан асослаб берганлигини қуйидаги биргина мисол ёрдамида кузатиш ўринлидир: “Шуни унитмаслик керакки, Алишер Навоий томонидан қўлланган барча тил воситалари асар ғоясини очишга қаратилган ёрдамчи воситалардир. Навоий, аввало маънони асос қилиб олади, сўнг шу мазмунга

мос форма (шакл) танлайди. Бинобарин, у қўллаган шакллар мазмунга бўйсўнади ва унга гўзал тус беришга хизмат қилади...”<sup>3</sup>.

“Маҳбуб ул – қулуб”нинг учинчи қисмида “Саховат ва ҳиммат” хусусида фикр юритилган бўлиб, унда Навоийнинг *илтизом* бадий санъатидан қай даражада фойдалана олганлигини Х.Мамадов бир нечта мисоллар асосида далиллайди. Ўқувчига янада тушунарли бўлишини инобатга олиб, насрий мантнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги табдилини келтиришни маъқул деб ҳисобладик: Мазмуни: Саховат инсоният боғининг серҳосил дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизи, балки у сермавж денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам – ёмғирсиз баҳор булутига ва ҳиди йўқ мушки анбарга ўхшайди... Ҳимматли кишиларнинг даражаси юксакдир, аммо сахийликнинг даражаси бир неча баробар юксакдир. Битта кулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга берганни сахий деб, ўзи емай ҳаммасини мухтож одамга берганни ахий (ошна, биродар, дўст) деб билгил).<sup>4</sup>

Келтирилган мисолда ташбеҳ (ўхшатиш) бадий саъятини ҳаётий мисоллар асосида зукколик билан қўлланганига олим алоҳида эътибор қаратиб, уларга етарли даражада шарҳу изоҳлар келтира олганки, бу фикрлар бундан ярим аср муқаддам бадий асарни поэтик нуқтаи назардан баҳолаш лозим эканлигига қўйилан қадамлар эди.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Ишқ зикрида” бобида Навоий чин инсоний муҳаббат ва соф севги ҳақида ўзининг фикр ва қарашларини баён этар экан “пок”сўзи такроридан жуда ўринли фойдаланади,- дея муаллиф фикрларини давом эттиради: Ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий пок жамолидин баҳра олмоқ. Сўнг тадқиқотчи фикрларини давом эттириб ишқ аҳли орсидаги побозлар, покравлар, пок нафсу гуфтору пок алфозлар, яна сўзи поку, кўзи поклар ва ниҳоят пок ошиқлар ҳақида бирма бир тўхталиб Амир Хисрав Дехлавий, Шайх Ироқий, Абдурахмон Жомийлар номини ҳам алоҳида эҳтиром билан тилга олинган тасвирлар ҳам ишда ўзига хос нуқтадонлик билан таҳлил қилинган.

Навоий чин инсоний муҳаббат ва соф севги ҳақида ўзининг фикр ва қарашларини баён этар экан “пок”сўзи такроридан жуда ўринли фойдаланади:

3. М а м а д о в Х. “Маҳбуб ул қулуб”даги баъзи бадий санъатлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983, 1-сон, 53-бет.

4. Н а в о и й А. Маҳбуб ул-қулуб. Ҳозирги ўзбек тилига табдил, (Изоҳ ва шарҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайдуллоев) -Тошкент: “Sano—standart”, 2018. 107-108-бетлар.

Унда пок кўз ; пок назар; пок юз ; пок кўнгил: пок мазҳар; покбоз; ва ҳақ. Мутафаккир шоир пок сўзга алоҳида эҳтиром билан қарайди ва поэтик мақсадни амалга оширишда такрор (*такрор*) санъати шоир Навоийга қачалар кўл келган бўлса, прозаик Навоий учун ҳам шу даражада поэтик имкониятлар майдонини вужудга келтирган.

Шу ўринда устоз Навоийнинг шунчаки жўн такрорга қарши эканлигига тўхталиб унинг “Бир деганни ики демак, хуш эмас, Чу сўз такрор топди дилкаш эмас...”, деган бадий эстетик принципига ҳам тўхталиб, юқоридаги келтирилган сўзлар такрори эса бадий ижоддаги мутлақо бошқа ҳодиса эканлиги лингвистик нуқтаи назардан кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари “*пок*” ўзаги бошқа сўзлар ва грамматик шакл ва формалар билан ҳам бирикиб хилма-хил маъноларда қўлланганлигини устоз кузатишларида янада аниқроқ кўриниш касб этганлигини кузатиш нақадар мароқли: *пок кўз* – ҳақиқий севги, беғараз, яхши ният билан қаровчи киши; *пок назар* – яхши ният, оқ кўнгиллик билан қараш; *пок юз* – гўзал, чиройли, юзи ёриқ; *пок кўнгил*—оқ кўнгил, гуноҳсиз, айбсиз; *пок мазҳар* - соф мақсадга эришиш; *покбоз* -садоқатли ошиқ; пок юрувчи , ҳалол, чинакам, ҳақиқий; *пок жамол* - тиниқ юзли, чиройли, гўзал; *покрав* – гўзал, мохир, шафқатли; *пок нафас* – яхши ният, чин сўзли; *пок алфоз* – яхши сўз, тўғри сўз; *сўзи пок* – чин сўзли; *кўзи пок* – вафодор; *пок ошиқ* – ҳақиқий севги эгаси, садоқатли каби. Бу каби мисолларни олимнинг ишларидан кўплаб учратиш мумкин.

Таниқли адабиётшунос Эргаш Очилов “Иброҳим Ҳаққул – навоийшунос” деб номланган мақоласи билан олимнинг фенонимини ҳадди аъло даражада кўрсатиб бера олган эди. Унинг қуйидаги фикрга эътибор қаратамиз: “...ўзбекистонда ҳозирги навоийшунослик об-ҳавосини белгилаб келаётган олимлардан бири Иброҳим Ҳаққулов эканлигига шубҳа йўқ...”<sup>5</sup>.

Дарҳақиқат, шундай. Ўзбекистон телеканлида Навоийни англашга доир кўрсатувлардан бирида устоз Иброҳим Ҳаққуловнинг қуйидаги фикрлари ҳозиргача худди нишонга теккан ўқ сингари таассурот қолдиради: “Навоий шеърларидан унча бунча ёд олиб, хоҳлаган жойда ўқиш ёки шоир ғазалларига куй басталаб, турли тўй ва тантаналарда куйлаш дегани ёки шоир ижодига боғлиқ бирор масалани у ёки бу йўсинда талқин қилиб ”навоийшуносман”,- деб айҳанос солишдан иложи борича тийлмоқ керак! Бу ҳали Ҳазрат Навоийни англаш ёки навоийшуносман дегани эмас! Мутафаккир зотни англаш дегани, биринчи галда авлиё мақомига эга бўлган бобомизнинг панду ўғитларини, биз авлодла учун ёзиб қолдирган насихатларини дилга (ҳайтовур тилга эмас,

5. Очилов Э. Иброҳим Ҳаққулов – навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти, 2019. 1-сон.

албатта) ) жо этиб уларга *амал қилишдан* (таъкид бизники – Б.Ф.) бошланади...!”.

Шу нуқтаи назардан масалага ёндошадиган бўлсак, устоз Ҳомиджон Мамадов шахсиятидаги камтарлик ва олижаноблик, ҳалимлик ва инсонийлик каби фазилатларнинг мужассам эканлиги билан бирга кибр ҳамда ҳасад, такаббурлик ва мунофиқлик, бахиллик каби кўплаб иллатлардан мутлоқо бегоналикнинг замирида Ҳазрат Навоийдан, хусусан, унинг “Маҳбуб ул – қулуб” пандномасидан азиз устозимининг руҳониятига кўчган чин маънодаги инсоний комилликка фақат ҳавас қилиш мумкин. Яна бунга кўшимча сифатида мутафаккир шоирнинг ушбу мисраларни эслаш ўринлидир:

Олим агар қатъий амал айласа,  
Илмига шоиста амал айласа,  
Они шараф гавҳарининг кони бил,  
Гавҳару кон, ҳар не десанг, они бил...<sup>6</sup>

*Мазмуни: Олим агар ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, илмига муносиб иш кўрсатса, уни улуглик гавҳарининг кони деб бил ва ҳар қанча улугласанг оздир.*

Бугунги кунга келиб янгиланаётган янги Ўзбекистода Навоий меросини ўрганиш, уни оммага етказиш борасида ҳамда бу маънавий хазинани дунё миқёсига олиб чиқишда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса бу ҳаракатнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани қувонарлидир. Улуғ мақсадлар йўлида қилинаётган барча амалий ишлар ўзликни англаш йўлига қўйилган асосий қадамлардан биридир. Бундай юксак маррани эгаллашда бугунги кунда муборак юз ёш билан юзлашиб турган зукко олим, азиз устозимиз Ҳомиджон Мамадовнинг Навоий ҳазратлари билан тиллашиб, яратган бебаҳо ишлари Хўжанд илмий муҳитида навоийшуносликка қўшилган устознинг ўзлари монанд камтарона ишлари бугунги кунда ҳам баркамол авлод камолоти учун беминнат хизмат қилишига қодир бўлган ишлардан эканлигига ишончимиз комил.

Шунингдек, Хўжанд шаҳрида ўзбек адабиётшунослиги мактабида камолга етган олимлардан бири таниқли навоийшунос, тасаввуфшунос, ўзбек ва тожик адабий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган филология фанлари доктори, профессор Абдусалом Абдуқодировни етук адабиётшунос сифатида Тожикистода, шу билан бирга кўшни давлатларда ҳам яхши билишади.

Истиқлол шарофати билан тарихга ҳамда адабий меросимизга ҳам соғлом назар билан қараш кайфияти вужудга келган бир даврда Абдусалом

6. Н а в о и й А. Ҳикматлар. (Нашрга тайёрловчилар: Солиҳ Муталлибов, Эргаш Очиллов). – Тошкент: “SHARQ”, 2010. 129- бет.

Абдуқодиров ҳали навоийшунослик илмида тўла ўрганилмаган Навоий ва тасаввуф деб номланган мураккаб мавзу тадқиқига киришади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тасаввуф ҳақида ёзиш анъанага айланган бир давр эди. Аммо истиқлол мафқураси эса тасаввуфга доир янгича мазмундаги мукамал тадқиқотларни кутмоқда эди. Ўша йилларда Абдусалом Абдуқодировнинг «Навоий ва тасаввуф»<sup>7</sup>, «Навоий ва нақшбандийлик»<sup>8</sup>,- деб номланган янгича йўналишдаги мақолалари «Адабий мерос» илмий журналда кетма-кет эълон қилиниди ва таниқли олимларнинг назарига тушган эди.

Сўнг тадқиқотчининг нашр қилинган “Навоий ва тасаввуф” (Хўжанд: “Нури маърифат”, 1994), “Навоий ва нақшбандийлик” (Хўжанд: “Нури маърифат”, 1994) рисоалари ҳамда «Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изоҳли луғати» (“Луғати мухтасари тафсирии истилоҳоти тасаввуф”. Хўжанд: Раҳим Ҷалил, 1997, 2002) номли биринчи ва иккинчи луғат китоблари ўша давр илмий ҳаётида катта янгилик сифатида эътироф этилган эди.

А.Абдуқодировнинг илмий кузатишлари тасаввуф таълимоти ва ўзбек – тожик адабий алоқалари йўналиши доирасида бўлиб, Навоий ва мумтоз тожик шоирлари ижоди билан бевосита боғлиқ бўлиб, асосан, анъана ва янгилик ва маҳорат масалаларига эътибор қаратилганлиги билан илмий қиммат касб этади. Олимнинг “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (*Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича*)” мавзусидаги докторлик диссертациясида (Тошкент, 1998) Навоий ижодида тасаввуфнинг ўрни масаласи атрофлича тадқиқ этилган бўлиб, унда Аллоҳ, олам ва одамнинг ягоналиги ифодаланган ваҳдат ул-вужуд (борлиқнинг яхлитлиги) таълимоти ишқ, фақру фано ва комил инсон масалалари билан боғлаб тадқиқ этилган янгича руҳдаги тадқиқотлар сирасига киради.

Профессор Абдусалом Абдуқодиров илмий кузатишларининг асосийқисми Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти билан бевосита боғлиқ. Унинг «Амир Алишер Навоий» (-Хўжанд: “Нури маърифат”, 2003; тўлдирилган иккинчи нашр -2013;), «Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти» ( -Хўжанд: Раҳим Ҷалил, 2005), «Амир Алишер Навоий ва тожик мумтоз шоирлари» (Хўжанд, 2007), « Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий » (Хўжанд: “Нури маърифат”, 2014), «Тасаввуф , навоийшунослик ва адабий таълим масалалари» (Хўжанд: “Нури маърифат” 2019, 296 с.) каби монографияларини санаб ўтиш мумкин. Олимнинг кузатишларида форс-тожик

7. Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф // Адабий мерос. – Тошкент, 1991. -№ 3, 36-39 б.

8. Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик // Адабий мерос. -Тошкент, 1991. -№ 4,23-26 б.

мумтоз шоирларидан: Низомий Ганжавий, Жалолоддин Румий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий анъаналари Навоий асарлари билан қиёсий – типологик нуқтаи назардан биринчи марта илмий таҳлил қилинган. Айниқса, Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ва уларнинг ўзаро адабий ҳамкорликлари алоҳида режада ёритилган ўзбек ва тожик адабий алоқалари силсиласидаги долзарб тадқиқотлар сирасига киради.

Устоз А.Абдуқодировнинг сўнгги монографиясида эса мумтоз адабиёти-миздаги тасаввуф таълимоти унинг Амир Алишер Навоий ижодидаги ўзига хос бадиий ифодаси, айниқса, мутафаккир бобомизнинг етук нақшбандий эканлиги ҳамда навоийшуносликдаги бугунги кундаги муҳим ва долзаб масалалар билан бирга адабий таълим жараёнида уларни ўрганиш билан боғлиқ асосий масалалар ёритилганлиги билан алоҳида илмий қиммат касб этади. Профессор А.Абдуқодировнинг илмий кузатишлари Алишер Навоий асарларидаги тасаввуфий масалалар тожик мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари билан қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ этилганлиги билан тасаввуф ҳамда адабий алоқаларга доир мавжуд ишлардан ажралиб туради.

А.Абдуқодиров Алишер Навоий ижодига доир хорижий мамлакатларида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳам ўз муносабатини билдира олиганлиги олимнинг муҳим ютуқлардан бири дейиш мумкин. Жумладан, сўнгги йилларда таниқли эронлик адабиётшунос Зебеҳулло Сафонинг асарлари Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида нашр қилинди. Унинг “Таърихи адабиёти Эрон” (“Эрон адабиёти тарихи”) китобида Навоий “Хамса”си ва ундаги дostonларни Низомий “Хамса”сидаги дostonларга тақлид сифатида яратилган деган фикрларни ҳам баён қилади<sup>9</sup>.

А.Абдуқодиров З.Сафонинг бундай хулосалари нотўғри ҳамда асоссиз эканлигини илмий жиҳатдан исботлаб, бу икки улуғ шоирлар асарларини бадиий матнлари асосида бирма-бир қиёсий йўсинда кузатиб, қуйидаги илмий асосга эга бўлган хулосаларини билдирган эди: “Албатта, бу фикрлар (Яъни З.Сафонинг фикрлари – Б.Ф.) илмий асосга эга эмас. Чунки, биринчидан, З.Сафо Низомий ва Навоий “Хамса”сидаги дostonлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги сезилади. Буни шундан билиш мумкинки, у ҳатто Навоий дostonларининг номларини тўғри келтирмайди. Воқеан, “Ҳайрат ул-аброр”ни у “Ҳаёт ул-аброр”, “Лайли ва Мажнун”ни “Мажнун ва Лайли” тарзда ёади...<sup>10</sup>.

6. Сафо З. Таърихи адабиёти Эрон. Ҷилди 3. – Душанбе: Сино, 2011, - С. 171.

10. Яна қаранг: Сафо З. Таърихи адабиёти Эрон. Ҷилди 3. – Душанбе: Сино, 2011, - - С. 13.

Шунингдек, З.Сафо Абдурахмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир ва бошқаларнинг Навоийнинг “Хамса”си ҳақида ўз давридаёқ билдирилган фикрларидан хабарсиз эканлиги таъкидланиб, ҳар икки шоирнинг асарларини бадиий матнлар асосида қиёсланиб, Навоийни оригинал шоир эканлигини аниқ далиллар асосида исботлаб берилганки, бундай ишончли, илмий асосга эга хулосалар Алишер Навоий меросини жаҳон миқёсида мукаммал ҳолда ўрганишга ва уни янада теранроқанглашга яқиндан ёрдам бериши, шубҳасиз.

Хуллас, истиқлолдан сўнг ўзининг кўп асрлик тарихига эга бўлган ўзбек ва тожик адабий алоқалар ҳам янги ривожланиш босқичи сари дадил қадамлар қўйилди. Бу қадимул айёмдан “қуда-қудағай” (Ғафур Ғулом) бўлиб келаётган ўзбек ва тожик халқларининг адабий алоқалари нурли истиқболидан шаҳодат беради. Профессор Абдусалом Абдуқодировнинг бу борада амалга оширилган илмий кузатишлари, таржима ҳамда табдиллари, тасаввуф ва бадиий ижодга доир назарий қарашлари ҳали кўп йиллар давомида ўз илмий қиммати ҳамда тарбиявий аҳамиятини сақлаб қолишига ишончимизкомил.

Мустақиллик йилларида Хўжанд илми муҳитида Алишер Навоий меросини янгича нуқтаи назардан тадқиқ этишга доир амалга оширилган ишлар қаторидан Мавлонберди Суновнинг Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий, Олимжон Абдуллоевнинг Амир Хусрав Деҳлавий ва Амир Алишер Навоий, Феруза Қаюмованинг Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий мавзулари бўйича амалга оширилган тадқиқотларини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг ҳар бир ҳақида тўхталиб, илмий хулосалари билан таништириш навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Навои А. Возлюбленный сердец. Сводный текст подготовил Кононов А.Н., Из-во АН СССР, Москва, Ленинград, 1948.
2. Навоий А. МАТ (Мукаммал асарлар тўплами). 20 жилдлик, 14- жилд. – Тошкент: Фан, 1998.
3. Навоий А. МАТ, 20 жилдлик, 8-жилд. –Тошкент: Фан, 1991.
4. Зехни Т. Санъати суҳан. – Душанбе: “Ирфон”, 1967.
5. Навоий А. Маҳбуб ул – қулуб. Ҳозирги ўзбек тилига табдил, (Изоҳ ва шарҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Тилавов, И.Сайдуллоев)- Тошкент: “Sano—standart”, 2018.
6. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. —Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
7. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб, (Ҳ. Болтабоев талқинида). – Тошкент: ”ЎМЭ” Давлат илмий нашриёти, 2008.
8. Жумахўжа Н. Адабий тилимиз асосчиси// Навоийга армуғон. 4-китоб. - Тошкент: Фан, 2004.

9. Фарҳанги забони тоҷики, Ибрат аз ду чилд. –Москва: “Советская энциклопедия”, 1969.
10. Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: “**MOVAROUNNAHR**“, 2009.
11. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: “ Ўқитувчи “, 1996.
12. Абдуқодиров А. “Сабаи сайёр”: адабий анъана ва янгиликлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017, 2- сон, 19-20-бетлар.
13. Абдуқодиров А. “Ҳайрат ул – абзор”: адабий анъана ва бадиий маҳорат // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016, 1-сон, 12-13-бетлар.
14. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти ( ваҳдат ул-вужуд муаммоси). – Хўжанд: Раҳим Ҷалил, 2005. – 98 бет.
15. Сафо З. Таърихи адабиёти Эрон. Ҷилди 3. – Душанбе: Сино, 2011, -С. 171
16. Абдуқодиров А.Тасаввуф, навоийшунослик ва адабийтаълиммасалалари. Монография.– Хўжанд: “ Нури маърифат”, 2019, 296 – бет.
17. Абдуқодиров А. Амир Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди)Рисола. Қайта ишланган ва тўлдирилган тўртинчи нашри. -Тошкент:“**BAYOZ**”,2022, 228-бет.
18. Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. - Хўжанд: “Нури маърифат”, 1994, - 102-б.
19. Абдуқодиров А. Навоий ва нақшбандийлик. -- Хўжанд: “Нури маърифат”, 1994, -120-б.
20. Абдуқодиров А. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. Монография.– Хўжанд: “Нури маърифат”, 2014. – 208 бет.